

ТИББИЙ НУТҚНИНГ ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ АСОСЛАРИ

Ёрова Сайёра Каримовна

Самақанд Давлат Тиббиёт Университети

Тиллар кафедраси мудири

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7567923>

Аннотация. Тилнинг фикрни ифодалаш ва алмашиш жараёнларидаги амалий асослари, унинг ижтимоий фаолият тури сифатида яшаш шаклини тақозо этувчи ҳар қанадй нутқ оғзаки (овозли) ва ёзма (график белгилар воситасида ифодаланган) шаклларга эгаллиги билан характерланади. Нутқнинг ҳар иккала шакли (шунингдек, ички ва ташқи нутқ) у ёки бу тил жамоси томонидан қабул қилинган лисоний тизимига хос бирликларга асосланади ва у муайян бир шахснинг ўй-фикри ва туйғу-кечинмаларини ифодалайди. Тил ва нутқ ўртасидаги ушбу тафовутга кўра, тил ижтимоий, нутқ эса индивидуал ҳодиса сифатида баҳоланган.

Калит сўзлар: парадигма, лисоний шахс, тиббий нутқ, лингвокогнитив, деонтология, нутқ одоб.

XXI асрнинг дастлабки йилларидан тилшуносликда антропоцентрик парадигманинг тадбиқ этилиши ва оммалашуви билан тил ва нутқ ҳодисалари социолингвистика, когнитив тилшунослик, прагмалингвистика каби инсон омилини назарда тутувчи замонавий йўналишларда кенг муҳокама қилина бошланди. Олиб борилган ушбу изланишлар туфайли Ш. С. Сафаров қайд этганидек, “Систем – структур парадигма ўзидан олдин юзага келган қиёсий-тарихий парадигманинг “атомистик”, яъни тил ҳодисаларини алоҳида-алоҳида, бир-биридан ажратган ҳолда таҳлил қилиниши” ва бунинг оқибатида “тилнинг ўз эгаси – инсондан ажралиб қолиши натижасида юзага келган нуқсонларини бартараф” қилиш имкони туғилди [Сафаров Ш. 2006. 23].

Ҳар қандай нутқ шахснинг индивидуал ташаббуси ва фаолияти билан боғлиқ бўлса ҳам, у тил жамоаси томонидан қабул қилган лисоний меъёр ва мезонлар доирасида воқеланади. Шу боис, профессор Н. Маҳмудов таъкидлаганидек, тилнинг моҳияти, вазифасини ўта жўн тарзда энг муҳим алоқа воситаси бўлган ижтимоий ҳодиса тарзида талқин этиш, унинг жуда кўплаб вазифаларидан фақат биттасини эътироф этишга олиб келади. Аслида тил, энг аввало, дунёни кўриш, эшитиш, билиш, идрок этиш воситасидир. Айни пайтда, тилнинг руҳий, эстетик ҳодиса эканлигини ҳам унутмаслик лозим [Маҳмудов Н. 2012:10].

Тил ва нутқ фаолиятларининг шундай кўламларда талқин этилиши XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида В. фон Гумбольдт томонидан тил

ва нутқ фаолиятларини «тил – рух», «тил - инсон», «тил - тафаккур», «тил - борлиқ», «тил - маданият» боғлиқликлари орқали тадқиқ қилишни назарда тутувчи экстенсив ёндашувнинг марказида турган тилни унинг соҳиби бўлган “лисоний шахс” билан боғлиқ ҳолда ўрганиш анъанасига қайтиб иш кўришга алоҳида эътибор қаратила бошланди [Т. Бушуй, Ш. Сафаров. 2007: 193].

Дастлаб, немис тилшуноси Л. Вайсгербер истеъмолга киритган лисоний шахс тушунчасининг И.А. Бодуэна де Куртенэ, К. Фосслер, В.И. Карасик, Ю.Н. Карауловлар томонидан муҳокама марказига олиб чиқилиши шундан дарак беради. Айни даврга келиб лисоний шахс тушунчасини ҳар томонлама ва турли йўналишларда талқин этилиши инсоннинг руҳий, жисмоний, ижтимоий ва маданий фаолиятларида тилнинг тутган ўрнини белгилашга оид изланишлар олиб бориш жадаллашди [Т. В. Кыштымова. 2014: 237-244]. Лисоний фаолиятнинг когнитив, прагматик, семантик ва маданий қирраларига, унинг ҳудудий ва ижтимоий-маданий шаклларида лисоний шахс иқтидори ва ижодкорлигидан келиб чиқиб баҳо бериш имкони туғилди [Карасик В. И. 2009: 123].

Дарҳақиқат, жаҳон тилшунослигининг бугунги тараққиёт босқичида лисоний шахс тушунчаси В. фон Гумбольдт томонидан “инсонни инсонга айлантирувчи куч” деб таърифланган тил ва нутқий фаолиятларни унинг соҳиби нуқтаи назаридан баҳо беришнинг энг муҳим воситаларидан бирига айланиб бормоқда. Шу асосда тилни лисоний шахс билан узвийликда ўрганиш, лисоний шахсга эса тил фаолияти орқали баҳо бериш билан боғлиқ янги-янги таҳлил усулларининг шаклланишига ҳам замин ҳозирланди. Тилнинг мавжудлиги ва бардавомлигини таъминловчи лисоний шахснинг руҳий, амалий ва ақлий салоҳиятига лингвокогнитив нуқтаи назардан баҳо бериш, унинг муайян макон, замон, вазият ва ижтимоий муҳит билан узвийликда воқеланувчи хилма-хил шакллари лингвопрагматик усуллар ёрдамида ўрганиш, тил ва нутқ муносабатига лисоний шахснинг миллий маданияти, менталитети ва профессионал салоҳияти, нутқ маданияти каби кўрсаткичлар асосида муносабат билдириш имкони туғилди.

Нутқ одобининг марказида турадиган хушмуомалалик узоқ ўтмишдан буён олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Бу борада билдирилган аксарият фикрларда сўз қўллаш одоби, уни мулойим оҳангда ифодалаш, вазиятга кўра сўзнинг таъсир қудратини ҳисобга олиш кабиларга эътибор бериш таъкидланган. Хусусан, Анатоли Франснинг: “Сўз ёвузликни яксон қилувчи, қалъаларни йиқитувчи кўзга кўринмас қуролдир” деган фикри,

Алишер Навоийнинг: “Сўзни кўнгилда пишқормагунча тилга келтирма, ҳар неким кўнгулда бўлса, тилга сурма” деган ўғити шулар жумласидандир (Л.В. Вороцов. 1981: 221).

Бевосита тиббиётнинг касб компетенцияси ва унинг диантологик асослари эса ундан анча аввал Абу Али ибн Синонинг тиббиётга оид фалсафий мушоҳадаларида шакллана бошлаган эди. Хусусан, унинг: “Табиб хастага ширин сўз, хуш хулқ, хушмуомалалик билан ёндашиши, унинг дардини ўзининг дарди деб билиб, оғриси оғриб, йиғласа йиғлаб, инграса инграши, беморга бегона ёки хирс кўзи билан қарамаслиги, қиз бўлса қизим, ўғил бўлса ўғлим, аёл бўлса онам, эркак бўлса, отам, ака ва укам деб ёндашиши шарт”, - деган мулоҳазаси шундан дарак беради (С.Турсунов, О. Салоҳиддинов, Б. Қўлдошев. 2007: 8).

Абу Али ибн Синонинг табибнинг вазифаси, бурчи, мажбурияти, одоб-ахлоқ нормаларига оид кўрсатмалари, унинг ғарбдаги издошлари томонидан ишлаб чиқилган деонтологик қоида ва тамойилларнинг барчаси ушбу интилиш ва умидворликнинг самарасидир. Тилни муйян турдаги элементлар мундарижасидан ташкил топадиган система сифатида талқин қилишга нисбатан уни инсон омили билан боғлиқ ҳолда тавсифлашнинг устувор аҳамият касб этишидан кўзланган асосий мақсад ҳам, турли ижтимоий-маданий жабҳаларда фаолият олиб борадиган “лисоний шахс”га когнитив, социал, маданий, касбий, коммуникатив ва шахсий компетенцияларидан келиб чиқиб баҳо беришдир.

References:

1. Дейк Т.А. ван. Язык. Познание. Коммуникация. – М. : Прогресс, 1989. – 312 с.
2. Ильин Е. П. Психология доверия. – СПб.: Питер, 2013. – 288 с.
3. Надеина М.. Основы речевой коммуникации. Учебник для вузов. – М.: ИНФРА. 1997: - 272 с.
4. Austin, J. L. HowTo Do Things With Words. Oxford: Clarendon Press. 1962. -174 p.
5. Balint E. The possibilities of patient-centered medicine. J R Coll Gen Pract 1969. – 269 p.
6. Bissel J.C. Language, Thoughts, and Reality. London: Routledge. 2003. -342 p.
7. Byrne P., Long B. Doctors Talking to Patients: A Study of the Verbal Behaviour of General Practitioners Consulting in Their Surgeries: H. M. Stationery Office, 1976. -194 p.

8. Cordella M. The Dynamic Consultation. A discourse analytical study of doctor-patient communication. Monash University, Australia . 2004. -271p.
9. Sayora Karimovna Yorova Vazira Jamshed kizi Khakberdiyeva SCIENTIFIC PROGRESS VOLUME 2 | ISSUE 1 | 2021 ISSN: 2181-1601 Uzbekistan www.scientificprogress.uz Page 1478 DOCTOR AND PATIENT Samarkand State Medical Institute
10. SAYORA YOROVA, SOHIBA NASIMOVA, ELECTRONIC COLLECTED MATERIALS OF XI JUNIOR RESEARCHERS' CONFERENCE 2019 Linguistics, literature, philology 7 UDC 372.881 THE WAYS OF TEACHING LANGUAGES AT MEDICAL INSTITUTIONS Samarkand State Medical Institute, Uzbekistan
11. Yorova Sayora Karimovna, Social-cultural characteristics of Uzbek and English medical speech An English Teacher of the Department Languages, Samarkand State Medical Institute, E-mail: sayora.yorova79@mail.ru International Journal on Integrated Education, e-ISSN : 26203502 p-ISSN : 26153785
12. Yorova Sayora Karimovna Lecturer, ELECTRONIC JOURNAL OF ACTUAL PROBLEMS OF MODERN SCIENCE, EDUCATION AND TRAINING OCTOBER, 2021-10/1. ISSN 2181-9750 <http://khorezmscience.uz> 56 UDC: 808.1.387.879 USAGE OF SPEECH ACTS IN THE ENGLISH AND UZBEK MEDICAL SPEECH Department of Languages Medicine and Education faculty Samarkand State Medical Institute
13. Aitmuratova Perkhon Genjebayevna THE ROLE OF INTERACTIVE METHODS IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS, Дата публикации, 2022/11/3, Журнал Web of Scientist: International Scientific Research Journal
14. Aitmuratova Perkhon Genjebaevna, Esanova Maftuna Bakhadirovna THE IMPORTANCE OF TEACHING LATIN IN MEDICAL SCHOOLS, 2022/12/17, Thematics Journal of Education